

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ИНСОН – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”

ИНСОН – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2007

78.348

И 60

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

М.Матмурадова

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Инсон – ҳаёт гултожи: Метод.-библиогр. қўлл. /
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;
Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова;
Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий
ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- 40 б.
КБК 78.342+65.272 (5 ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма “Ижтимоий ҳимоя йили”га бағишланган. Қўлланмада меҳр-мурувват, инсонпарварлик, меҳр-шавқат, ногирон, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам бериш ҳақида маълумотлар берилган.

Қўлланмада “Ижтимоий ҳимоя йили”га бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 й.

МУҚАДДИМА

Беминнат ҳомийлик ёрдам кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

И.А.Каримов

Ҳар бир давлат энг аввало ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофазалаш, инсон манфаатлари ҳақида қайғуради. Республикамизда ёрдамга муҳтож фуқаролар ва оилаларга, ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчисидан жудо бўлган ёлғиз яшаётган инсонлар ҳамда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, ўзаро ёрдам, саховат ва мурувват, беморлар дардига ҳамдард бўлиш каби эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси ғоятда кенг кўламли ва сермазмун бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий ислохотлар, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, саховат ва мурувват муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўта долзарб фикр ва ғояларни мужассам этади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тантанали маросимда 2007 йилни юртимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Энг аввало, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар камайтириш, ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз”.

Бу борада қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури мамлакат бўйича минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлигини янада кенгайтириш ва кучайтириш; аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш; “Меҳрибонлик” уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш; аёллар соғлигини мустаҳкамлаш; ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш; ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғул-

ланишини ташкил этиш; фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш; аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндошишга қаратилган янги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш каби аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Конституциямизнинг 39, 40, 45 ва 64 моддаларида, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг қарор ва фармонларида меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз кексаларни, етим ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари қонун йўли билан кафолатланган.

Ижтимоий ҳимояга бағишлаб буюк қомусий олимлар, мутафаккир ва алломалар, олимлар, шоир ва ёзувчилар яратган қатор рисоалар, давлатимиз қонун фармон, қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуот саҳифаларида ижтимоий ҳимоя ва инсонпарварлик, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилмоқда.

Ушбу нашрлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховатпешалик, инсонпарварлик ғоялари акс этган бадий, тарихий, педагогик ва урф-одатлар, қадриятлар, одоб-ахлоқ, панд-насихатга, инсон

манфаатларига оид рисоаларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда адабиётлар тарғиботининг, илмий-амалий семинар, китобхонлар конференциялари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, учрашув кечалари, мавзули кечалар, савол-жавоб кечалари, мунозара кечалари, китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун ижтимоий таъминот ходимлари, шифокорлар, тарихчилар, адабиётшунослар, сиёсатшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, диншунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, маҳалла ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилиш мумкин.

Кутубхоналарга, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Истеъдод”, “Нуроний” жамғармалари, “Раҳм-шафқат”, “Соғломлаштириш ва спорт”, “Кўзи ожизлар” жамияти, “Адолат нури”, “Болалар”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармалари, “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компанияси, “Паноҳ шуъласи” республика жамғармаси, “Семурғ” халқаро хайрия жамғармаси, “Меҳр” аёллар жамияти, “Меҳрибонлик” жамияти, диний ва хотин-қизлар кўмиталари ходимлари, “Саломатлик” марказлари ходимлари, “Ижтимоий таъминот” бўлими ходимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, файласуфлар, адабиётшунослар, тиббиёт ходимлари, педагоглар, журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада “Ижтимоий ҳимоя йили”га бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Ижтимоий ҳимоянинг тарихи ва бугунига бир назар

*Бу аёвсиз дунёда
Кимнинг жисми ногирон.
Жисми бутун одамнинг
Эҳтимол дили вайрон.
С.Мўминов*

Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан буён маданият, илм-фан ҳамда маънавиятнинг барча жабҳалари асосан шаҳарлардан, аниқроғи салтанат ҳокимиятининг атрофида, унинг хайрихоҳлиги, ҳомийлиги остида вужудга келган ҳамда қисман бўлса ҳам инсон манфаатларининг кўринишлари ривожланган.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи даражаси, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси, фан ва маданият ҳамда қадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос инсонпарварлик, инсон манфаатлари, жумладан, меҳр-шафқат, мурувват, етим-есир, бева-бечораларга, ёлғиз кексаларга, ночор ва ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам бериш каби улуғ ғоялар бўлган.

Ўз мазмуни, моҳиятига кўра яқка худолик, инсонийлик, меҳр-шафқат, юртпарварлик ғояларини тараннум этиб, одамзод аҳлини бунёдкорликка, яратувчанликка ундаган муқаддас “Авесто” олис тарихимизнинг асл дурдона асарларидандир. “Авесто”да эзгу ўй, эзгу сўз, савоб ишлар каби қимматини йўқотмаган маслаҳатлар, тавсиялар келтирилган.

Ислом динида “Қуръон” ва “Ҳадис” муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда инсонларни саҳийлилик, меҳр-мурувватли, меҳр-оқибатли бўлишга, хайрли ва савоб ишларни қилишга ундовчи ғоялар талайгина.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, эрамизгача бўлган даврларда ҳам Мовароуннаҳр ва унинг атрофида ҳукм сурган сулолалар томонидан илм-маърифат, кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолига ёрдам, имтиёзлар бериш, ҳар хил қулайликлар яратиш одат бўлган.

IX-XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожда муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда қатор мутафаккирлар инсонпарварлик, яхшилик ва эзгулик, меҳр-мурувват, савоб ва саховатпешалик, ўзаро ёрдам каби ғоялар акс эттирилган дурдона асарлар яратдилар. Соҳибқирон Амир Темури даврида эса фан, маданият, санъат ва адабиёт юксалиш жараёнида инсонпарварлик қадрияти камол топди. Темури замонида ёзилган асарлардан тўғрилиқ, мурувватлиқ, эл-юртга меҳр-муҳаббат ва бошқа яхши ҳислатларни ҳам билиш мумкин. Шунингдек, халқнинг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилган.

Йирик тасаввуфий тариқат вакилларида бири Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд, ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган шахсдир. Аҳмад Яссавийнинг “Бир етимнинг бошини силаган кимса қиёматда дўзахга буюриладиган бўлса, унинг ўрнига менинг ўзим дўзахга тушаман” деган фикрлари барчамизга маълум.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват, саховат, саховатпешалиқ, инсонпарварлик, бева-бечораларга ёрдам бериш ғояларини ўзига сингдирган ахлоқий-тарбиявий масалалар катта ўрин тутди. Алишер Навоийнинг Ҳирот адабий мактабидаги ёшларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқаришда устоз ва шогирдлик муносабатлари фикримизнинг исботи бўлади.

Ўрта Осиё алломаларининг илғор ғоялари XVIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган маърифатпарварларнинг

асарларида янада бойитилди. Жумладан, Бердақ ижодида тенглик, маърифат, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват, адолат ва ватанпарварлик фазилатларини улуғлаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бердақ ахлоқий қаҳрамонларининг яна бир муҳим томони – кишиларни ҳурмат қилиш, айниқса, қариялар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бевабечораларнинг иззат нафсига тегмаслик, уларга иложи борича ёрдам кўрсатишдир.

Кўриб турганингиздек, бундай бағрикенглик, саховатпешалик, мурувватпешалик каби фазилатлар асрлар давомида аجدодларимизнинг энг эзгу амали ҳисобланган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ижтимоий тузумнинг келажаги, инсоният истиқболи, инсон манфаатлари, кишиларнинг соғлом ҳаёти ва турмуш даражаси, фан ва маданияти ҳамда қадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий ҳимоя мазмун моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, ижтимоий ҳимоя – кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари: эркин ижтимоий-иқтисодий фаолият кўрсатишни таъминлаш; иш

билан бандлик, касб танлаш, ўқиш ва билим олиш; даромдларнинг кафолатланиши; ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши; истеъмолчилар ҳимояси, истеъмолчилар жамиятлари; товарлар ва хизматлар сифати, истеъмол кафолатини таъминлаш; аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш; ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар беришдан иборат.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб шакллана бошлади. 90 йилларга келиб, бозор иқтисодиётига ўтиш асосида амалдаги ислохотларга мос равишда янгидан шаклланди. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг тикланиши ижтимоий ҳимоя тизимида муҳим янгилик бўлиб қўшилди.

Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилди, унга қонуний асос солинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас” дейилган.

Ҳозирги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон учун,

унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги, инсонпарварлиги йўлида амалга ошириладиган ислохотлар муваффақияти гаровидир.

Бу тўғрида Ислом Каримов шундай ёзади: “Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири – аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза қилиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг мукаддас бурчидир”.

Ижтимоий таъминот – кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан берилган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими, ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғидир.

Ижтимоий таъминот тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, хомийлар (турли жамғарма ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий таъминот миқдори ва тақдим этиш тартиби миллий урф-одатлар ва халқаро меъёрларга асосан ишлаб чиқилган қонунчилик ҳамда давлатнинг иқтисодий имконияти доирасида амалга оширилади. Пенсиялар (кексалик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик бўйича ва ижтимоий нафақалар (ногирон болаларга, болаликдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногирон ва кексаларга) тўловлари ижтимоий таъминотнинг энг муҳим турлари ҳисобланади. Қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш – ногиронларни “Мурувват” уйларига, ёлғиз қарияларни “Саховат” уйларига жойлаштириш, муҳтожларни протез-ортопедия ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш, ногирон болаларни касбга ўқитиш ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш, пенсионер-

ларни санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, уларга шахар жамоа транспортларидан фойдаланишида, турар жой, маиший хизмат ва солиқларга алоқадор имтиёзлар бериш Ижтимоий таъминотда катта роль ўйнайди.

Шунингдек, Республикамиз болаларнинг, ўзгалар ёрдамига муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли асосий халқаро шартномалар, пакетлар, декларациялар ва конвенцияларга қўшилган ҳамда ўз сиёсатини ана шу ҳужжатларга мувофиқ амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 26 та “Мурувват”, 8 та “Саховат” ҳамда 28 та ”Меҳрибонлик” уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамиз Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (1994 й. 23 авг.) кўра, вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, кам пенсия олаётганларнинг оилалари, ногиронларнинг оилалари, ишсизлар ва боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва кам даромад олаётган муҳтож оилаларга моддий ёрдам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги Фармони билан 16 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оилалар давлатнинг алоҳида оталиғига олинди, 2002 йил 25 январдаги фармонига биноан ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган фарзандли оилалар умумтаълим мактабларида, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқиётган 18 ёшгача фарзанди бўлган оилалар ҳисобига кенгайтирилди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва айниқса, унинг ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Бу тизимда, маҳалла марказий ўринда туради.

Ижтимоий ёрдамни тақсимлаш бўйича тажриба Ўзбекистонда ўзига хосдир. Жумладан, 1999 йилдан бошлаб кам таъминланган фуқаролар ва 2 ёшгача болалари бўлган ишламаётган аёлларга ижтимоий ёрдам пулларини тақсимлаш ва тарқатиш бўйича вазифалар фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органларига (маҳаллаларга) юклатилган. Маҳалла кўмиталарининг ўз худудларидаги аҳоли турмуш даражаси ва эҳтиёжларини яхши билишини ҳисобга олсак, бундай ёндошув давлат ресурсларининг чекланган ҳолатида жуда самарали бўлди.

Давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органларининг ҳамкорлари сифатида соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний ва маънавий тарбия, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига ёрдам бериш, турар жойларни ободонлаштириш ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлари иштирок этаяпти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ нодавлат ташкилотлари тузилган, шу жумладан, 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 70 дан зиёд жамғармалар ишлаб турибди.

Аксар нодавлат ташкилотлар соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний ва маънавий тарбия, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига кўмаклашиш, турар жой ҳудудини ободонлаштириш, уй-жой инфратузилмасини биргаликда бошқариш каби ишлар билан шуғулланади. Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) бу йўналишларга алоҳида ҳисса кўшаяптилар. Ҳозирги пайтда “Тошкент етакчи аёллар” маркази, “Ветеран аёллар” ассоциацияси, “Аёллар” ресурс маркази, Самарқанддаги “САБР” ишонч маркази, “Меҳри” аёллар жамияти каби ННТларнинг 50 фоизидан ортиғи аёллар ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлида самарали ишларни амалга оширмоқда. Улар фаолиятининг устивор

йўналишлари: аёлларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш, маслаҳат хизмати ва тадбиркор аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим ва маърифий дастурларни ривожлантириш; аёллар саломатлиги ва болаларни ҳимоя қилиш, гендер муаммолари, кам таъминланганларга, муҳтожларга ёрдам бериш кабилардир.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда норасмий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд: уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва ташкилотларнинг пенсионерларга, кам таъминланган кўп болали оилаларга, бевабечораларга ёрдам пули бериши киради.

Давлатимиз томонидан кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга, боқувчисини йўқотганларга ижтимоий ёрдам берилиб, ғамхўрлик қилинмоқда. Ҳар йили “Наврўз”, “Хотира ва қадрлаш” кунида, “Мустақиллик” байрамларида, “Ҳайит” айёмларида “Мурувват”, “Саховат”, “Меҳрибонлик” уйлари ва мактаб-интернатларга совға-саломлар улашилади.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (1991 йил) қабул қилиниб, муҳтож одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди. Ҳар йили 3 декабрь Халқаро миқёсда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кунини сифатида юртимизда ҳам кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури” тўғрисидаги 433-сонли қарорининг “Ногиронларни ўқитиш ва ҳаётга йўналтириш” бўлимида “Ногирон болаларни касбга йўнал-

тириш, уйда ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” деган жумла алоҳида банд қилиб киритилган.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 22-24-моддаларида етим болаларни ва ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни; жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш; ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия борасида таълим ҳамда васийлик органларининг бурчи ва вазифалари белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний ва ақлий жиҳатдан нуқсони бор болалар ўқийдиган махсус таълим муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра ҳозирда 120 тага яқин махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 87 таси турли ногиронликларга чалинган болаларга мўлжалланган.

Давлатимиз томонидан 36 мингдан ортиқ кўриш қобилиятини йўқотган инсонлар ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя ва ёрдам билан таъминланмоқда. Кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, ҳайр-эҳсон, ижтимоий ёрдам ва ҳимоя, ижтимоий таъминотларнинг туб мазмун ва моҳиятининг негизида инсонпарварлик, инсон манфаатлари ғояси ётади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили” деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик, инсон манфаатлари маъноси ётади.

Ҳар бир фуқарода аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, саҳийлик-саховат-пешалик, ёлғиз қарияларга моддий ёрдам бериш, ҳамда ижтимоий ҳимоя, фидойилик, инсон манфаатлари тамойилларининг намоён этилиши ҳаёт мазмунига, таъбир жоиз бўлса, доимий одат тусига айланишига эришмоғимиз лозим.

Инсон манфаатлари ҳақида

“Авесто”дан:

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун меҳнат қилиш, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиш лозим.

* * *

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

“Қуръони Карим”дан:

Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, ҳайрли, яхши ишларга шошилингиз (“Бақара” сураси, 148 оят).

* * *

Сиздан нималарни инфоқ (саховат) қилишни сўрайдилар. Айтинг, қандайки яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруққа, етим-мискинларга ва йўловчи мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, уни Аллоҳ билгувчидир (“Бақара” сураси, 215 оят).

* * *

Яқининг (қариндошинг) ҳаққини адо эт, мискин (бечора) ва йўловчи (мусофир)нинг ҳам, аммо исрофгарчилик қилма. Исрофгарлар шайтонларга биродар бўладилар. Шайтон эса Раббига кўрнамак бўлган (“Исро” сураси, 26-27 оятлар).

“Ҳадис”дан:

Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир.

* * *

Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман.

Расуллулоҳ (с.а.в) дедилар:

Етимнинг бошини силагил, миксин-бечораларнинг корнини тўйғазгин, қалбинг юмшайди.

* * *

Бева ва бечораларнинг ғамини ейдиган киши Аллоҳ йўлида жиход қилган билан баробар бўлади.

Президент Ислом Каримов “Ижтимоий ҳимоя” ҳақида

Аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилди. Барча нафақа ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди. Уларни асосан кам таъминланган оилалар, кексалар ва болалар ола бошладилар.

* * *

Мустақиллик йилларида ҳақиқий иқтисодий вазиятни, мавжуд заҳиралар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятан янги механизми яратилди. Бунда биз жамиятни ислоҳ қилишнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсат борасидаги ўз концепциямиз мос келиши кераклигига ҳам асосландик.

* * *

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди.

* * *

Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва кўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшга етмаган болалар учун, шунингдек, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларни имтиёзли овқатлантириш каби ижтимоий имтиёзлар ҳам бюджет маблағларидан тўлаб турилди.

* * *

Сўнги пайтларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига оила орқали бериладиган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди.

* * *

Ислохотлар чуқурлашиб борган, бозор муносабатлари ривожланган сари амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларига тузатишлар киритилди. Энг катта эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга ёрдам беришга қаратилди.

* * *

Миллий руҳиятларнинг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла кўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг кўллаб-қувватланди.

* * *

Ижтимоий ҳимоя янги тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндошиш хусусияти билан ажралиб туради.

* * *

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга кўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

* * *

Ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибида асосий ўрин эгаллаши керак.

“Ижтимоий ҳимоя – олий қадрият”

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади, китобхонларнинг инсонпарварлик, меҳр-мурувват, оқибат, меҳрибонлик, саховат, беғараз ҳимоя, муҳтож кишиларга кўрсатилаётган кўмак, жамиятда ҳамжихатлилик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитининг қарор топиши бўйича давлатимизнинг асосий қонуни ва қонун ҳужжатларида, давлат дастурларида акс эттирилаётган ижтимоий ҳимояга доир манбаларга қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ҳамда турли гуруҳдаги китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадиладар. Сўнгра тузилган саволлар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ўз навбатида билимдонлар учун тайёрланган саволларга доир керакли адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида нашр этилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида беллашув қатнашчилари албатта ўша манбалар билан танишиб, уларни ўрганиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини мустақиллик йилларидаги қонун, қарор ва фармонлар, ижтимоий ҳимоя тўғрисида ёзилган асарларга, “Қуръони Карим”, “Ҳадис”ларга, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар, мақолалар, кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояга доир бўлган манбаларга қаратиш лозим.

Беллашув ўтказиладиган кутубхонада, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида мавзунини ёритиб берувчи китоб кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Биринчи марта “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси қаерда ва қачон қўлланилган?

(“Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонун”ида қўлланилган).

2. Ўзбекистонда “Ижтимоий ҳимоя” тизими қачон шакллана бошлаган?

(Маълумотларга кўра Ўзбекистонда “Ижтимоий ҳимоя” тизими XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошланган).

3. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ушбу келтирилган модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бўлими ва бобида акс эттирилган?

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими, X боби, 45-моддасида).

4. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?

(“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 1991 йилда қабул қилинган).

5. Қайси қонунда, етим болалар ва ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни; жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни; ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўқитиш борасида таълим ҳамда васийлик органларининг бурч ва вазифалари белгилаб берилган?

(1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24 моддаларида).

6. Ижтимоий таъминот деганда нимани тушунасиз?

(Ижтимоий таъминот – кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи).

7. Республикамизда ногирон болалар учун неча касб-хунар билим юртлари махсус маълумотли кадрлар етиштиради?

(Республикамизда ногирон болалар учун 3 та касб-хунар билим юртлари махсус маълумотли кадрлар етиштиради).

8. Қайси фармонда вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, кам пенсия олаётганларнинг оилалари, ногиронларнинг оилалари, ишсизлар ва боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш белгиланган?

(Республикамиз Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1994 йил 23 август Фармониغا биноан).

9. Давлат пенсиялари кимларга тўланади?

(Давлат пенсиялари – кексалик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича; ижтимоий нафақалар – ногирон болаларга, ёлғиз ногирон ва кексаларга тўланади).

10. Қачон аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича давлат бошқарувини мукамаллаштириш мақсадларида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилди?

(2001 йил 13 февралда аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича давлат бошқарувини мукамаллаштириш мақсадларида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди).

11. Республикамизда неча Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари бор?

(Республикамизда 12 вилоят ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, 213 туман ва шаҳар ижтимоий бўлимлари бор).

12. Республикамизда неча “Мурувват” ва “Саховат” қариялар уйлари бор?

(Республикамизда 26 та “Мурувват” ва 8 та “Саховат” қариялар уйлари бор).

13. “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурида ёш авлодни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор долзарб масалалар кўзда тутилган, булар қайсилар?

(Давлат дастурида “Меҳрибонлик” уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, “Сен ёлғиз эмассан” мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш зарурлигига эътибор қаратилган).

14. Ижтимоий ҳимоянинг мазмуни ва моҳияти нима?
(Ижтимоий ҳимоя – кенг маънода мамлакат аҳолиси-
ни ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлай-
диган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижти-
моий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва
жамиятнинг ёши, саломатлик ҳолати, ижтимоий аҳвол,
тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани
туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги
ғамхўрлиги).

15. Ушбу келтирилган парча кимнинг шеъридан
олинган?

*Ҳимоянинг тури кўп:
Ташиқи-ички дегандай,
Ташиқисидан кўнгли тўқ:
Чегарачи-мергандай.*

(С.Мўминовнинг “Ижтимоий ҳимоя” шеъридан
олинган).

16. Қуйида келтирилган парча қайси достондан
олинган?

*Яхшиликдан ажратмагил дилингни,
Ҳам яхшилик устун қилар, қўлингни,
Мискинларга сарф айла бер пулингни,
Мен сенинг қурбонинг бўлай Эрали.*

* * *

*Куч-қувватни зойиблардан тилагин,
Ғарибларнинг манглайини силагин.
Сен улардан олтин-дуо тилагин.
Дуо олтин бўлур, билгил, Эрали.*

(Юқорида келтирилган парча “Эрали ва Шерали”
достонидан олинган).

17. Қуйида келтирилган парча кимнинг шеъридан
олинган?

*Яхшиларга омад тила,
Етим-есир бошин сила*

*Бор вужудинг, қалбинг ила,
Меҳр кўрсат, мурувват қил.*

** * **

*Ғарибларнинг кўнглини ол,
Дардларига сен қулоқ сол.
Уларга сирдош бўлиб қол.
Меҳр кўрсат, мурувват қил.*

(Юқорида келтирилган парча Султон Муроднинг “Меҳр кўрсат, мурувват қил” шеъридан олинган).

18. Ушбу парча қайси муаллифнинг шеъридан олинган?

*Ғариблар бошини силаш,
Етимларга меҳр-муҳаббат,-
Ёлғизларни самимий сийлаш,
Қонга қўчган – бу тарки одат!*

** * **

*Мажруҳлар бор, ногиронлар бор,
Эл ҳашари битказади толе,
Кичикларга шафқат, ҳукми ёр,
Кексалар – гул ҳурмат, эҳтиром.*

(Н.Нарзуллаевнинг “Ҳайр-эхсон қасидаси” шеъридан олинган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

“Ижтимоий ҳимоя йўлида” номли китоб-суратли кўрғазманинг тахминий режаси

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўрғазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоий ҳимоя ҳамманинг иши

*Токи эзгу ишларга
Ҳеч ким солмасин соя
Қилайлик ҳар одамни
Ижтимоий ҳимоя.*

С.Мўминов

Бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим болалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қарорлар, қонунлар, фармонлар, меъёрий ҳужжатларни намойиш этиш мумкин.

2. Эзгулик тимсоли

*Қўлимиздан келса гар
Берайлик моддий кўмак
Сал қийналиб қолганда
Инсонга далда керак.*

С.Мўминов

Бу бўлимда “Қуръони Карим” ва “Ҳадис”лардаги савоб, етим-мискинларга яхшилик кўрсатиш, қарияларга ёрдам бериш ва кўмаклашиш, муҳтож кишиларни ҳимоя қилиш, хайрли ва савобли ишлар, инсонни улуғлаш каби маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

3. Ижтимоий ҳимоя – истиқбол пойдевори

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, гаму таъвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

И.А.Каримов

Бу бўлимда ахлоқий-тарбиявий, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний ва маънавий тарбия, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига кўмаклашиш, меҳр-шафқат, мурувват, ижтимоий муҳофаза ҳақидаги адабиётларни намойиш этиш мумкин.

4. Ижтимоий ҳимоя – эзгулиларга доя

Ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак.

И.А.Каримов

Бу бўлимда устоз ва шогирдлик муносабатлари, мутафаккир, алломаларнинг ижтимоий ҳимоя ҳақида ёзилган асарларини ҳамда достон, ривоят, ҳикоя, ҳикматлар, насихатлар, мақоллар, шеърларни намойиш этиш мумкин.

“Ижтимоий ҳимоя” мавзуси бўйича кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Берилаётган мавзулар тахминий бўлиб, кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Конференция

1. “Инсон манфаатлари”.
2. “Фармонлар ижтимоий ҳимоя учун”.
3. “Ижтимоий ҳимоя – бош мақсадимиз”
4. “Ислоҳот ва ижтимоий ҳимоя” каби мавзуларда; “Ижтимоий ҳимоя адолат мезони”, “Ижтимоий ҳимоя ва ёшлар”, “Маънавий ҳимоя” каби мавзуларда китоб кўرғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий-амалий семинар

1. “Инсон манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя тамойиллари”.
2. “Моддий ёрдам ва маънавий мадад”.
3. “Инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий халқаро декларациялар, конвенциялар ва битимлар” каби мавзуларда; “Тирик эканмиз бир-биримизни ҳимоя қилайлик”, “Эзгулик барча инсоний фазилатларнинг онасидир”, “Инсон манфаатлари – эзгулик тимсоли” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

1. “Меҳр-оқибатдан айирмасин”.
2. “Бор бўлсин оқибат, бор бўлсин мурувват” каби мавзуларда Ижтимоий таъминот ходимлари билан. “Муҳтожга ёрдам берайлик”, “Ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаётлик”, “Халқ билан ҳамнафас” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “XXI аср ижтимоий ҳимояси”.
2. “Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлар ҳимоясининг моҳияти ва мазмуни”.
3. “Ислохотлар изчиллиги – инсон манфаатларини таъминлаш омили”.
4. “Ҳуқуқий манфаатлар ҳимоясининг моҳияти ва аҳамияти” каби мавзуларда;
“Яхшилик ва саҳийлик”, “Мададкорлик – бурчимиз”, “Аҳоли манфаати бош мақсад”, “Мақсадимиз – меҳнат ҳимояси” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Ижтимоий ҳимоя йили” мазмун-моҳияти ва мақсадини биласизми?”
2. “Алишер Навоийнинг Ҳирот адабий мактабини биласизми?”
3. “Қамолитдин Бехзоднинг Ҳирот ва Табриз миниатюра мактабларини биласизми?”
4. “Ҳамид Сулаймоннинг матншунослик мактабини биласизми?”
5. “Ижтимоий ҳимоянинг тарихи ва бугунини биласизми?” каби мавзуларда;
“Саҳийликни яхши кўр”, “Маҳалла ҳимояси”, “Меҳр-муруват маданияти” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Ўзбекистонда ижтимоий таъминот тизимининг шаклланиши ва бугуни”.
2. “Ижтимоий ҳимоя ва ёшлар”.
3. “Ўрта Осиё алломалари ижодида инсонпарварлик ва меҳр-муруват, эзгулик фазилатларининг улуғланиши”.
4. “Тоғлар бир-бирига суяниб юксалади” каби мавзуларда;

“Ижтимоий ҳимоянинг қонуний асоси”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Меҳр-оқибатдан айирмасин”, “Энг яхши савоб” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ва ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояни биласизми?”

2. “Кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя ва давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, фармонлар, қонунларни биласизми?”

3. “Воҳид Абдуллаевнинг адабиёт тарихи мактабини биласизми?”

“Меҳр-мурувват ҳаёт зийнати”, “Меҳр улашайлик”, “Саховатли элнинг фарзандларимиз” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Баҳс-мунозара кечаси

1. “Ижтимоий ҳимоя – улуғ фазилат”.

2. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоя этишда сиёсий партияларнинг ўрни.

3. “Инсон манфаати, ижтимоий адолат тамойиллари” каби мавзуларда;

“Саховат мурувватлилик умр боқийдир”, “Ижтимоий ҳимоя – аҳоли саломатлиги гарови”, “Бор бўл оқибат”, “Ижтимоий муҳофаза – бош масала” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули папкалар ва картотекалар

1. “2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили”.

2. “Меҳр улашиб яшайди инсон”.

3. “Инсонлар бир-бирига елкадош, ахил-иноқ бўлиб яшайди”.

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган).-Т.: Ўзбекистон, 2003.-40 б.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.-Т.: Адолат, 1999.-294 б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.-Т.: Адолат, 1998.-300 б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар.-Т.: Адолат, 2000.-446 б.

Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти бўйича норматив ҳужжатлар тўплами.-Т.: Меҳнат, 1994.-413 б.

Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар.-Т.: Адолат, 2000.-724 б.

Уй-жойларни хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1992 й. 19 август // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.-1992.-№10.-Б.70.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 й. 6 май //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.-1993.-№5.-223 модда.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1994 й. 23 август //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси.-1994.-№8-9.-б.10-15; Ўзбекистон овози.-1994.-25 авг; Халқ сўзи.-1994.-25 авг.

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарасида ишлаган шахсларга пенсияларни тўлаш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1995 й. 28 декабрь //Халқ сўзи.-1995.-29 дек.

Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 й. 4 декабрь //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1997.-№1.-Б.9-10.

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1999 й. 17 март //Саховат.-1999.-№3.-Б.2.

Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1999 й. 14 апрель //Саховат.-1999.-№3.-Б.2.

2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1999 й. 7 декабрь //Халқ сўзи.-1999.-8 дек.; Солиқ тўловчининг журнали.-2000.-№1.-Б.5.; Саховат.-2000.-№1.-Б.2.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида: Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2000 й. 29 июль

//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами.-2000.-№7.-Б.48-49.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2001 й. 8 июнь //Саховат.-2001.-4.-Б.3-4.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2002 й. 25 январь //Халқ сўзи.-2002.-26 янв.; Тошкент оқшоми.-2002.-28 янв.; Маърифат.-2002.-30 янв.; Хабарнома.-2002.-№1.-Б.70.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2002 й. 25 январь //Халқ сўзи.-2002.-26 янв.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.2003 й. 26 февраль //Тошкент оқшоми.-2003.-27 февр.; Соғлом авлод.-2003.-6-12 март.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2004 й. 21 октябрь //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-2004.-№42.-Б.22-35.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2004 й. 2 декабрь //Солиқ тўловчининг журнали.-2005.-№1.-Б.3-7.

Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт сихатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қарори 2005 й. 24 май //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-2005.-№27.-Б.22-23.

Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Қарори 2005 й. 6 июль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари.-2005.-№28-29.-Б.37-38.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2005 й. 26 июль //Солиқ тўловчининг журнали.-2005.-№10.-Б.4.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2006 й. 1 декабрь //Адолат кўзгуси.-2006.-3-9 февр.

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши 2006 й. 12 декабрь //Ишонч.-2006.-13дек.; Маърифат.-2006.-13 дек.; Маҳалла.-2006.-13 дек.; Тошкент окшоми.-2006.-13 дек.; Тошкент ҳақиқати.-2006.-13 дек.; Туркистон.-2006.-13 дек.; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-14 дек.; Қишлоқ ҳақиқати.- 2006.-15 дек.

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2007 й.

23 янв //Халқ сўзи.-2007.-24 янв.; Ишонч.-2007.-24 янв.;
Маҳалла.-2007.-24 янв.; XXI аср.-2007.-25 янв.;
Ватанпарвар.-2007.-26 янв.; Қадрият.-2007.-27 янв.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини
такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар
тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони 2007 й. 19 март // Халқ сўзи.-2007.-20 март.

* * *

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан
қолсин.Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз
масъулмиз.Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-432 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-
сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт
қафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-432 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:
Ўзбекистон, 1999.-686 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
ҳаёт – пировард масқадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-110 б.

Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя
тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир:
Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги маърузаси //Ишонч.-2006.-8 дек.; Тошкент
оқшоми.- 2006.-8 дек.; Туркистон.- 2006.-8 дек.; Халқ сўзи.-
2006.-8 дек.; Ўзбекистон овози.- 2006.-8 дек.

Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги
//Ишонч.-2007.-1 янв.; Тошкент оқшоми.-2007.- 1 янв.;
Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-1 янв.; Вазият.-
2007.-5 янв.; Ватанпарвар.-2007.-5 янв.

* * *

Амир Темур ўғитлари: [Тўплам] / Тузувчилар:
Б.Аҳмедов, А.Аминов.-Т.: Наврўз, 1992.-64 б.

Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари.-Т.: Фан, 1990.-171 б.

Дурдоналар хазинаси: Ҳикоялар, масаллар, ривоятлар, насихатлар, ҳикматлар, латифалар /Жамоатчилик асосида муҳаррир М.Қодиров.-Т.: Шарқ, 1999.-192 б.

“Жавоҳир-ул ҳикоят”: Ибратли ҳикоялар, пандлар, ўғитлар / (Сўз боши Саидбек Ҳасанники).-Т.: Ёзувчи, 1993.-208 б.- (Жавоҳир).

Инсон зийнати: (Одоб ва ахлоққа доир ҳикматлардан) /Тузувчи Н.С.Саиджонов; Масъул муҳаррир Б.Қурбонбоев.-Т., 1996.-24 б.

Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: Статистик маълумотлар /Муаллифлар: М.Абдуғаниева, Д.Алимова, А.Баҳромов ва бошқ.; Таржимонлар: Р.Иброҳимова, М.Муҳамедова, З.Захитова.-Т., 2000.-100 б.

Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: Марказлаштириш ва инсон тараққиёти/ (Муаллифлар: Ю.Абдуғаниева, А.Абдуллаев, В.Аношкина ва бошқ.; Таржимонлар: Ж.Турдимов, Г.Кэрон, Н.Юсупов.-Т., 2005.-116 б.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар.-Т.: Адолат, 1999.-80 б.

Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт; Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол.-Т.: Адолат, 1992.-64 б.

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи /Тузувчи муаллиф Е.Саитов.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-173 б.

Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996.-344 б.

Темур тузуклари/ (Масъул муҳаррир Муҳаммад Али).-Т.: Шарқ, 2005.-160 б.

Уватов У. Донолардан сабоқлар.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., 1994.-92 б.

Қодиров А. Навоий ва тиббиёт.-Т., 1991.-24 б.

Қуръони Карим: Ўзбекча изоҳли таржима /Таржимон ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992.-544 б.

Қуръони Карим маъноларининг таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур; Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов.-Т.: Тошкент Ислон ун-ти, 2001.-617 б.

Ҳикматлар /Форс тилдан Носир Муҳаммад тарж.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1999.-29 б.

Ҳикматларга тўла бу дунё /Нашрга тайёрловчи тарж. А.Ирисов.-Т.: Ўқитувчи, 1997.-111 б.

* * *

Абдуллаев С. Ижтимоий ҳимоя-бош мақсадимиз // Постда.-2006.-23 дек.

Азимов А. Инсон манфаатлари устун: [2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили] //Моҳият.-2006.-29 дек.

Алимов Н. Демократия, эзгулик ва инсонпарварлик маданияти //XXI аср.-2006.-12 янв.

Аҳмедов Д. Аҳоли ижтимоий таъминотининг кафолатлаши масалалари тўғрисида //Давлат ва ҳуқуқ.-2004.-№2.-Б.63-64.

Аҳмедов Д. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимоя тўғрисида //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2004.-№2.-Б.23-25.

Аҳмедов Д. Ижтимоий ҳимоя тамойили //Иқтисод ва ҳисобот.-1998.-№2.-Б.63-64; 68-69.

Аҳмедова Д. Ёлғиз кексалар имтиёзлардан баҳраманд: [Наманган шаҳар ижтимоий таъминотининг амалда бажараётган ишлари ҳақида] //Ишонч.-2002.-30 март.

Бобоев Ҳ., Қаҳҳоров А. Жамиятни ижтимоий ҳимоялаш //Сирли олам.-2000.-№3.-Б.2.

Бутаев Ф. “Яхшиликнинг мукофоти – яхшилик”:
[2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили] //Маҳалла.-2006.-13 дек.
Воҳидов Э. Тилак: [Шеър] //Соғлом авлод.-2006-
2007.-28 дек.-3 янв.
Далиев А. Яхшилик: [Шеър] //Маҳалла.-2006.-4 янв.
Душаева Н. Ижтимоий ёрдам кимларга берилмоқда
//Ишонч.-1999.-24 апр.
Жалилов А. Ижтимоий ҳимоя – истиқбол пойдевори
/Сухбатдош М.Аловуддинов //Ишонч.-2006.-16 дек.
Жаҳонгирова Д. Касаба уюшмалари “Ижтимоий
ҳимоя йили” да //Ишонч.-2007.-30 янв.
Жумаев Ш., Шодиев Ғ. Ижтимоий ҳимоя адолат
мезони//Маърифат.-2007.-17 янв.
Иброҳимов А. Моддий ёрдам ва маънавий мадад
//Ишонч.-2007.-1 янв.
Ижтимоий соҳага эътибор: Ижтимоий таъминот ва
ислоҳот //Саховат.-1998.-№4.-Б.4.
Ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи: Ўзбекистон
пешқадам //Халқ сўзи.-2004.-2 июль.
Ижтимоий ҳимоя йили ташкилий ва сиёсий вазифа-
лар: [Ўзбекистон халқ демократик партияси маҳаллий
ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаолларининг республика
конференцияси бўлиб ўтганлиги ҳақида] //Ўзбекистон
овози.-2006.-28 дек.
2007 йил Ижтимоий ҳимоя йилида амалга
оширилиши мўлжалланаётган ишлар //Ишонч.-2006.-12 дек.
Ижтимоий ҳимоя: ҳар қандай жамиятда миллатнинг
маънавий қиёфасини, олиб борилаётган ислоҳотларнинг
мазмуни-моҳияти ва танланган йўлининг қандай манзил-
ларга олиб боражагини кўрсатувчи асосий омилдир //XXI
аср.-2006.-14 дек.
Иномов О. Ижтимоий ҳимоя: ҳаётга соғлом тафаккур
кўзи билан қараётганлар учун бош масаладир //XXI аср.-
2007.-11 янв.

- Ипоқов А. Кучли ижтимоий ҳимоя //Ўзбекистон овози.-2006.-12 дек.
- Мамарасулов Б. Халқ билан ҳамнафас. - Ижтимоий муҳофаза-бош масала //Иқтисод ва ҳисобот.-1997.-№2.-Б.62-63.
- Мирзаева М. Ижтимоий ҳимоя ва ёшлар //Туркистон.-2007.-31 янв.
- Мусаждонова С. Ижтимоий ҳимоянинг дастурий йўлидан //Саховат.-2001.-№8.-Б.2-5.
- Муҳамедова Ш. “Нуроний” ҳамиша кўмакка тайёр //Тошкент оқшоми.-2007.-4 янв.
- Мўминов С. Ижтимоий ҳимоя: [Шеър] //Ишонч.-2007.-1 янв.
- Назаров Қ. Инсон манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя тамойиллари //XXI аср.-2007.-11 янв.
- Обидов Н. Ёлғиз кексалар давлат ҳимоясига олинди //Халқ сўзи.-1999.-17 дек.
- Омонов Н. Нуронийлардан қарзимиз кўп: [Ижтимоий ҳимоя] //Ишонч.-2002.-5 март.
- Отаев Э. Ижтимоий ҳимоя амалда: [Пенсионерларни, ҳимояга мухтожларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1999.-31 март.
- Расулов М. Ижтимоий ҳимоя //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4 жилд. Зебунисо-Конирил /Таҳрир ҳайъати: М.Аминова,Т.Даминова, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашр., 2002.-Б.89-91.
- Раҳимова Д., Хасанов Р. Кам таъминланганликнинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари //Жамият ва бошқарув.-2004.-№4.-Б.29-31.
- Толмасов Ш. Меҳримизга суяб яшайлик: Бугун – Халқаро ногиронлар куни //Ватанпарвар.-2002.-3 дек.
- Турсунов Й., Исмоилов Ш. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти //Ҳаёт ва қонун.-2005.-№1.-Б.35-36.

Турғунбоева С. Ижтимоий ҳимоя асоси //XXI аср.-2007.-18 янв.

Уйда ижтимоий ёрдам хизмати кўрсатувчи ходимлар кўрик-танлови ҳақида Низом //Саховат.-1995.-№1.-Б.22-23.

Умарова З. Устозлар ёди //Саховат.-1998.-№3.-Б.35.

Хидирова Б. Ижтимоий ҳимоя – аҳоли саломатлиги гарови //Тошкент оқшоми.-2003.-14 окт.

Худойбердиев Т. Бор бўл оқибат: ёрдамга мухтож кишиларга ҳомийлар мадади //Ишонч.-2000.-3 март.

Шодиметов К. Йил дастури – эртанинг ташвиши: [2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили] //Маҳалла.-2007.-24 янв.

Шоюсупова Н. Ислохот ва ижтимоий ҳимоя: [Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хусусида мулоҳаза] //Мулқдор.-2005.-28 окт.

Эрназаров Э. Отадан улуғ муаллифларни ижтимоий таъминоти ҳақида //Маърифат.-1995.-25 окт.

Эшонов Б. Инсон ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазанинг турли жиҳатлари //Халқ сўзи.-1995.-18 окт.

Юртимиздаги буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-8 дек.

Қирғизбоев Д. Саховат, мурувватлилик умрбоқийдир: [2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили] //Миллий тикланиш.-2007.-3 янв.

Ҳикматов И. Эзгулик тимсоли: [2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили] //Ишонч.-2007.-4 янв.

Мундарижа

Муқаддима	3
Ижтимоий ҳимоянинг тарихи ва бугунига бир назар	7
Инсон манфаатлари ҳақида Президент Ислам Каримов “Ижтимоий ҳимоя” ҳақида	16
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	19
Китоб-суратли кўргазманинг тахминий режаси	25
Кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	27
Адабиётлар	30

Босишга рухсат этилди 2007 йил 26 март
Бичими 60x84^{1/16} нашр. т. 2,5 Адади 300 нусха.

Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди